

**«O'zbekinvest Hayot sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти
ахборот сиёсати тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низоми Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сон “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига (31.07.2012 йилда 2383-рақам билан рўйхатга олинган) мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ушбу Низом ошкор этилиши шарт бўлган ахборотлар ва ҳужжатлар рўйхатини ҳамда «O'zbekinvest Hayot sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият деб юритилади) томонидан уларнинг тақдим этилиши муддатлари ва тартибини белгилайди.

2. Ахборот сиёсатининг мақсади акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг (кейинги ўринларда - манфаатдор шахслар деб юритилади) Жамият ва унинг фаолияти ҳақидаги ишончли ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш йўли билан Жамият фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашдан иборат.

3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг Жамият ва унинг фаолияти ҳақидаги улар томонидан инвестиция ва бошқарув қарорларининг қабул қилиниши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ишончли ахборотни олиш ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга ҳамда Жамият ҳақидаги махфий ахборотни ҳимоялашга йўналтирилган.

4. Ахборотни тижорат сири жумласига киритиш, ундан фойдаланиш шартларини белгилаш тартиби Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

2-боб. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари

5. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари - ахборот ресурсларининг мунтазамлиги, тезкорлиги, қулайлиги, тўлиқлиги, тенг ҳуқуқлилиги, мувозанатлашганлиги, ҳимояланганлиги.

6. Мунтазамлик тамойили Жамият томонидан манфаатдор шахсларга Жамият ҳақидаги ахборотнинг мунтазам тақдим этилишига йўналтирилган.

7. Тезкорлик тамойили Жамият манфаатдор шахсларни Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсир этувчи ҳамда унинг манфаатларига дахлдор бўлган муҳим воқеалар ва фактлар ҳақида қисқа муддатларда хабардор қилишини аниқлатади.

8. Ахборотнинг қулайлиги тамойили деганда Жамият томонидан ўз фаолияти ҳақидаги ахборотни тарқатишнинг манфаатдор шахсларнинг ошкор этилаётган ахборотдан эркин, қийинчиликсиз ва танловсиз фойдаланишини таъминловчи тармоқлари ва усулларида фойдаланиши тушунилади.

9. Тўлиқлик тамойили Жамият барча манфаатдор шахсларга, бунда ўзи ҳақидаги салбий ахборотни ошкор этишдан бош тортмаган ҳолда, ҳақиқатга мос келадиган ахборотни Жамият ҳақида, Жамият фаолиятининг натижалари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини берадиган ҳажмда тақдим этишини аниқлатади.

10. Тенг ҳуқуқлилиқ тамойили Жамият барча манфаатдор шахсларга Жамиятнинг фаолияти ҳақидаги ахборотни олиш ва ундан фойдаланишда тенг ҳуқуқларни таъминлашини англатади.

11. Мувозанатлашганлик тамойили Жамиятнинг очиклиги ва шаффофлиги билан унинг тижорат манфаатларини таъминлаш ўртасидаги оқилона мувозанатга амал қилинишини назарда тутати. Бунда мажбурий шартлар қуйидагилардан иборат:

махфий ахборотни муҳофаза қилиш;

қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш.

12. Ҳимояланганлик тамойили тижорат сирини ёки бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ёхуд махфий ҳисобланган ахборотни муҳофаза қилишнинг қонун ҳужжатлари билан рухсат этилган усуллари ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутати.

3-боб. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши шарт бўлган ахборотлар рўйхати, уларни ошкор этиш муддатлари ва тартиби

13. Жамият ошкор этилиши шарт бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмда, муддатларда ва усулларда ошкор этади.

14. Ахборотни мажбурий ошкор этиш:

ягона корпоратив ахборот порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатланган давлат органининг расмий веб-сайтида);

фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz);

Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;

оммавий ахборот воситаларида амалга оширилади.

15. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатланган давлат органининг расмий веб-сайтида ёки фонд биржасининг расмий веб-сайтида ошкор этилиши шарт бўлган ахборотни ўзида мужассам этган ҳужжатлар жумласига қуйидагилар қиради:

қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласи (қимматли қоғозлар очик жойлаштирилган ҳолларда);

Жамиятнинг йиллик ҳисоботлари, шу жумладан молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилган йиллик ҳисоботлар;

Жамиятнинг йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллик ва тўққиз ойлик ҳисоботлари;

Жамият фаолиятидаги муҳим факт ҳақидаги хабарнома.

16. Жамият юқорида кўрсатилган ахборотни Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларида (31.07.2012 йилда 2383- рақам билан рўйхатга олинган) белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор этади.

17. Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг биржа котировка қилиш варақасига киритилган ва (ёки) унда турган ҳолларда Жамият барча зарур ахборотни Биржа бюллетени тўғрисидаги низомнинг талабларига мувофиқ ошкор этади.

18. Жамият ўзининг расмий веб-сайтига (www.uzhayot.uz) эга бўлиб, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сон “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан белгиланган ахборотнинг шу сайтда ошкор этилишини таъминлайди.

19. Қуйидаги ахборотлар оммавий ахборот воситаларида ошкор этилиши шарт:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар;

Жамият жойлашган манзил (почта манзили) ва электрон почтасининг манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги хабар;

Жамиятнинг имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни харид қилиш таклифи;

Жамият томонидан акцияларнинг сотиб олиниши тўғрисидаги хабар;

Жамиятнинг тугатилиши ҳақидаги ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларнинг билдирилиши тартиби ва муддати тўғрисидаги хабар.

4-боб. Қўшимча ахборотлар рўйхати ва уларни ошкор этиш тартиби

20. Жамият ўз расмий веб-сайтининг инглиз, рус ва манфаатдор шахслар учун қулай бўлган бошқа тиллардаги версияларини барпо этиб, уларда давлат тилидаги мавжуд ахборотни тегишли тилга таржима қилган ҳолда жойлаштириш йўли билан Жамият сайтининг такомиллаштирилишини таъминлайди.

21. Жамият ўзининг расмий веб-сайтида қуйидаги қўшимча ахборотни ошкор этади:

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш мажбуриятининг қабул қилинганлиги ва унга амал қилиниши тўғрисидаги ахборот;

ижро этувчи орган ҳақидаги, шу жумладан унинг мазкур Жамиятда ишлаш даври тўғрисидаги маълумот;

Жамият ижро этувчи органи ва корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари;

Жамият акцияларнинг 20 фоизидан кўпига эгалик қилувчи акциядорлар ҳақидаги маълумот;

соф фойданинг таклиф этилаётган тақсимланиши, дивидендлар миқдорининг асоси, уларнинг Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мос келишини баҳоланиши, шунингдек, зарур ҳолларда, соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтириш ҳажмларининг изоҳлари ва иқтисодий асослари;

Жамиятнинг қутилаётган соф фойдани кўрсатган ҳолда инвестиция лойиҳалари шаклида амалга ошириладиган кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга ошириш режалари;

акциялар котировкалари бўйича маълумотлар ҳамда фундаментал ва техник таҳлил натижалари мавжуд бўлган ҳолларда мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг изоҳлари ва прогнозлари;

Жамият бизнесининг турлари бўйича капитал қийматининг кўрсаткичлари мавжуд бўлган ҳолларда ушбу кўрсаткичларни асослаган ҳолда Жамият капиталининг ўртача нисбий қиймати;

Ҳайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби, шартлари ҳақидаги ҳамда амалда кўрсатилган (олинган) ҳайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам ҳақидаги ахборот.

22. Кузатув кенгаши ва ижро этувчи органга тўланадиган мукофот ва компенсациялар ҳақидаги ахборот акциядорларнинг умумий йиғилишида ошкор этилади ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига киритилади.

23. Жамият ўзи ҳақидаги ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда ҳам ошкор этилишини таъминлайди.

5-боб. Акциядорлик жамияти бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари билан манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашиш тартиби

24. Акциядорлик жамияти бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари билан манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашиш учун Жамият масъул ходимни тайинлайди ва ахборот билан алмашишни у орқали амалга оширади.

25. Манфаатдор шахсларнинг мазкур Низомда назарда тутилган ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги ёзма (электрон) талабига кўра Жамиятнинг масъул ходими, башарти қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ҳафта ичида барча маълумотларни электрон кўринишда тақдим этади.

26. Ҳужжатлар нусхасини тақдим этиш зарур бўлган ҳолларда манфаатдор шахс ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш харажатлари қийматидан ортиқча бўлмаган миқдордаги тўловни амалга оширади ва ҳужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатларни тўлайди.

27. Акциядорлар Жамият ҳақидаги ёки унинг фаолияти ҳақидаги хизмат, тижорат ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирни ташкил қиладиган ахборотни ошкор этишга ҳақли эмаслар.

**6-боб. Жамиятнинг ахборот сиёсатига риоя қилиши устидан
назоратни таъминлаш чора-тадбирлари**

28. Ушбу Низомда назарда тутилган ахборотнинг ошкор этилиши ва Жамият ҳақидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида ошкор этилиши учун Жамиятнинг корпоратив ходими (агар у мавжуд бўлса) ёки акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармасининг масъул ходими, бухгалтер ҳамда ана шундай ваколатларга эга бўлган шахс масъул ҳисобланади.

Ижро этувчи орган раҳбари ва унинг ўринбосарларидан бошқа шахслар Жамият номидан чиқишга ҳақли эмаслар.

29. Ахборотни ошкор этишнинг тўлиқлиги, ишончилиги ва унинг ўз вақтида тақдим этилиши учун Жамият ижро этувчи органининг раҳбари жавоб беради.

30. Жамиятнинг Кузатув кенгаши йилнинг ҳар чорагида ижро этувчи органнинг мазкур Низом талаблари бажарилишининг бориши ҳақидаги ҳисоботини тинглайди.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

31. Мазкур Низомга мувофиқ ошкор этиладиган ахборотнинг тақдим этилишини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғрилиги учун Жамиятнинг ижро этувчи органи жавоб беради.

32. Ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, тўғри ва тўлиқ ошкор этилиши ижро этувчи орган фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ва унга мукофотлар (бонуслар) тўлаш шarti ҳисобланади.

33. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.